



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 16 июнь, № 117 (4270)

Шанба

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ФАРОВОНЛИК ВА ОБОДЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 14-15 июнь кунлари Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди.



Президентимиз сафарининг иккинчи кунини реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошлади. Давлатимиз раҳбари муҳим стратегик объект ҳисобланган аэропортнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ўтган йили май ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида билдирган танқидий фикрлари асосида бу ерда салмоқли ишлар бажарилганини таъкидлади. Жумладан, халқаро андозаларга мос тўрт километрдан зиёд учиб-қўниш йўлига қуриб битказилди. Замонавий бошқариш тизими бунёд этилди. Аэропортда мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учиратиш имконияти яратилди.

Шу мақсадда барпо этилган «Бахт-текстиль» кўшма корхонаси йилга ўн беш минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. У экспортбоп ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сўнгги жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган «Қизилқум мануфактураси» кўшма корхонасида эса йилга 5 минг тонна пахта толасидан ип-газлама тўқилади. Вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизи ушбу корхоналарда қайта ишланади. Мазкур корхона-

лар минглаб ёшларни иш билан таъминлайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар Навоий вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоятдаги фермер хўжа-

Президентимиз Қизилтепа туманидаги «Заргарон баракали ҳосил» фермер хўжалигида бўлиб, галла ўрими-йигимининг бориши билан танишди. Бобожон Каримов раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзолари билан суҳбатлашди. Хўжалик-

Олтмиш киши меҳнат қиладиган хўжалик аҳли бу йил давлатга 138 тонна галла топширишни мўлжаллаган. Айни кунларда хўжаликда галла ўрими-йигими қизгин давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари фермерлик, аввало, масулия эканини алоҳида таъкидлади. Бу соҳага тасодифан кириб қолган, ерининг тилини тушунмайдиган фермерлар ҳам йўқ эмас.

— Ерни боксанг, у ҳам сени боқадим, — деди Юртбошимиз. — Фермер иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, юртимизнинг, элимизнинг кудрати янада ошади. Шундай экан, фермерларга имконият ва ёрдам бериш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лозим.

Президентимиз фермерлар замон талабларидан қайта чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқа-

ришни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки мамлакатимиз иқтисодий-ётигининг юқалишига ҳам хизмат қилади.

Юртбошимиз тумандаги Навбоғ қишлоғида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан кизиқди.


Ортиқ Сувонов раҳбарлик қилаётган «Парда бобо» фермер хўжалиги Кармана туманидаги пешқадам хўжалиқлардан. 40 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалигининг 34 гектардаги галласи ўроққа келган. Олти гектар майдондаги гўза баравж ўсмоқда. Еш фермернинг техникаси ҳам, ишичи кучи ҳам етарли.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу хўжаликда фермерлар билан мулоқот асосида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди: фермерларга хизмат кўрсатиш, жумладан, таъминот масаласида қандай муаммолар бор? Фермерлар етиштирган маҳсулотини сотишда тўсиқларга дуч келмаяптими?

— Утган йили 31 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди Кармана туманидаги «Истиклол» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Норов. — Қўшимча техника сотиб олдик. Фермерларга сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилмалар тобора яхшиланмоқда. Хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз. Шундангина у қўзлаган мақсадига эришади. Мамлакатимизда фермерлини ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Юртимиз фермерлари эришяётган улкан ютуқлар, ислохотларимизнинг самаралари тобора ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,  
Ёрқун УМАРОВ,  
Ўза махсус мухбирлари.  
Дилшод ЮСУПОВ  
олган суратлар.



лиқларнинг пахта тайёрлашдаги улуши 86, галлачиликдаги ҳиссаси эса 84 фоизни ташкил этади.

нинг иқтисодий аҳволи, унда меҳнат қиладиган кишиларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

Кунини кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.



## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялғи мажлисини шу йил 29 июнь кунини Тошкент шаҳрида қачириси тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу ҳафтада Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси томонидан муҳомама этилган ва қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган муҳим қонунлар — «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормалари амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари парламент юқори палатасининг навбатдаги ялғи мажлиси кун тартибига киритилди.

Сенатнинг бўлажақ ялғи мажлиси муҳомадасига «Судлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ҳақмалик судлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»-ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Социал хизматлари учун» медални таъсис этиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботларига тааллуқли масалаларни ҳам сенаторлар муҳомадасига киритиш мўлжалланмоқда.

Ялғи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳомама қилинди.

Кенгаш Сенат қўмиталари ва Девонининг ўнинчи ялғи мажлисига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинов зиммасига юқлади.


Қонунийлик ва суд-ҳуққ ма-салалари қўмитасининг 2005-2006 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам Кенгаш мажлисида тингланди.

Олий Мажлиси Сенатига маъқуллаш учун тақдим этилган қонунлар юзасидан, Кенгашда айтиб ўтилганидек, Қўмита ҳисобот даврида Йигирма иккинчи ҳуқуқ таъйирлаган. Сенатнинг ялғи мажлисларида шу қонунлардан ўн саккизтаси маъқулланди, тўрттаси рад этилди. Назорат ваколатларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг тўртта қонун иқроси жойларга бориб ўрганildi, ўрганиш натижалари Қўмита мажлисларида муҳомама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Қўмита мажлисларида «Нотариат тўғрисида»-ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини иқро этиш тўғрисида»-ги, «Фуқароларнинг муқомадлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юқалтириш миллий дастурининг иқро этилиши масалалари қўриб чиқилди, шунингдек, адлия вазирининг Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари томонидан қонунларнинг иқро этилиши ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, мамлакат прокуратура органларининг 2005-2006 йиллардаги фаолиятига доир Бош прокуратура ҳисоботи муҳомама қилинди.

Қўмита ҳисобот даврида ўн саккизта тадбир ўтказди, шу жумладан уларнинг олти таси жойларга бориб ўтказилди. Ана шу тадбирларда билдирилган тақдир ҳамда тавсиялар тегишли дав-

(Давоми 2-бетда).

Кеча қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Тиббий сугурта — ижтимоий ҳимоянинг муҳим пойдевори» мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарди.



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Ташкилотчилар томонидан алоҳида таъкидланганидек, тиббий сугурта масаласи бежиз бу галги анжуманининг асосий мавзуси қилиб белгиланмади. Маълумки, Президентимиз қарори билан бу йил «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурга мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламини янада кенгайтириш муҳтож тоғфалар ҳамда оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга анан, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самардорлигини ошириш, шунингдек, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга қаратилган чоратadbirlar мажмуи амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлат дастурида тиббий сугуртага ижтимоий ҳимоянинг муҳим пойдевори сифатида эътибор қаратилган ва бу борада янги қонун ишлаб чиқи-лиш кўзда тутилган.

Сугурта тизими соғлиқни сақлаш соҳасини фуқаролар, корхоналар ёки тадбиркорлар томонидан тиббий сугурта

ташкilotлари орқали молиялаштириш таъминоти асосланади. У ўз ичига ҳос ҳисобот тарзда фаолият юритувчи шифокорлар ва ҳусусий мулкчиликка асосланган тиббий муассасаларни қамраб олади, уларнинг молиялаштирилиши эса пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Анжуман иштирокчилари тиббий сугуртани қорғий этишнинг ўзига ҳос жиҳатлари, уни йўлга қўйиш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит, мавжуд муаммолар ҳусусида ўзаро фикр алмашди-лар. Тадбир якунида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тулланган тақрибларга таянган ҳолда янги қонун ҳужжати ишлаб чиқи-лиши, унинг нормаларида акс этирилиши лозим бўлган асосий мақсад ва таъминотлар тўғрисидаги тақлифларни қўмитанинг махсус ишчи гуруҳига тақдим этишга келишиб олинди.

Шавкат ОРТИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Совринли ўринга даъвогармиз


Бу йилги «Универсиада»да баскетбол жамоасида ўйнайман. Талаба ёшларнинг бундан олдинги «Универсиада»си баҳ-сарарида қатнашганман. Ушанда гуруҳ учрашувларида андижонлик ва фарғоналик баскетболчи қизларни мағлубиятга учрати-б, турнир етакчиси ҳисобланган Тошкент жа-моасига галабани бериб қўйган эдик.

Бу галги учрашув жиддий бўлади. Камиди учинчи погонадан жой олишни мўлжаллаб туримиз. Уйлайманки, бунинг уддасидан чиқса бўлади. Биринчидан, тажрибамиз анча ошиб

қолди. Бизга яратиб берилаётган шарт-шароит ҳам ёмон эмас. Иккинчидан, вилоятимизда аёллар спортини тез ривожланаяпти. Қаршининг «Севин» футболчи қизларидан, Муборакнинг «Аланида» жамоаси волейболчиларидан, Ғузорнинг «Умид» гандболчиларидан кам жойимиз йўқ. Ҳаракат қилсақ, албатта, қўзланган мақсадга эри-шишимизга ишонаман.

Люция БОЙБУЛАТОВА,  
Қорши Давлат университети жисмоний маданият факультети талабаси, қарат бўйича Осиё чемпионати совриндори.

### Қишлоқда қўшма корхона



Қизилтепа туманидаги «Ипакчи» масу-лияти чекланган жа-мияти негизида «Мала-бар Силк» қўшма корхонаси ишга туширилди. 100 тоннадан зиёд пилла-ни қайта ишлаш қув-ватига эга бўлган янги корхонада 110 киши ишламоқда. Жорий йилнинг ўзида бу ердан 320 минг АҚШ долларлиқ маҳсулот экспорт қилинади.


Х. Эшонқулов,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Кутубхонада электрон дарслиқлар

Навоий вилоят болалар кутубхонасида янги тизимга ўтиш жараёни низоҳатга олди. Март ойида капитал таъмирлаш ишлари тугатилган ушбу Ахборот-ресурс марказига яқинда 12 та электрон дарслиқ олиб келинди.

Эндиликда марказ зарурий меъеларга, бой кутубхонага, Интернет тармоғига уланган 18 та компьютерга эга. Бу ерда, шунингдек, кўча кутубхона ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Жамолiddин ТўХТАШЕВ.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ



35 турдаги импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришда

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН БИРИ — «СУВМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА БУГУНГИ КУНДА «ЭЦВ», «К», «Д», «А50ГО», «А40ГЦ», «А30ГЦ» ва «ГРУ» русумли агрегат ва насослар шулар жумласидан бўлиб, улар «Туямўйин» гидрозели, «Тўпаланг» сув омбори, «Аму-Бухоро» машина канали, «Аму-Занг» насос станциясида муваффақиятли ишлатилмоқда, қўшни республикаларга экспорт қилинмоқда.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Комбинат — биринчи харидор

Конимех туманилик тадбиркор Рамазон Содиқов Тошкентда ўтказилган халқро мини технологиялар кўргазмасида 75 миң еврога Исроил технологияларини харид қилган эди.

Хозирги кунда у раҳбарлик қилаётган «Конимех оазис продукт» масъулияти чекланган жамиятида ана шу янги технологиялар ёрдамида кўзи гўшти, гуруч, перловкадан консерва тайёр-

ланмоқда. Бир кеча-кундузда меҳнат аҳли 15 миң бан-ка консервани буюртмачиларга етказиб бераётир. Навоий кон-металлургия комбинати эса биринчи харидорлардан ҳисобланади.

## Энг яхши ижтимоий соҳа ходими

Фаргона шаҳрида "Энг яхши ижтимоий соҳа ходими" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда барча шахар ва туманлардан 20 нафарга яқин ижтимоий таъминот идоралари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам инсон манфаатларига қаратилган юксак эътибор мўжассам.

Бу, ўз навбатида, ижтимоий соҳа ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури асосида "Энг яхши ижтимоий соҳа ходими" кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад ҳам соҳадаги илгор тажрибани омалаштириш, мутахассисларнинг билим ва маҳоратини оширишдан иборатдир.

Танловда Риштон тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимаси Феруза Домуллонова голиб деб топилди.

### «Ниҳол»:

## Вилоят босқичи якунланди



Келинмоқда. Айни пайтда жойларда бу йилги танловнинг худудий босқичлари якунланмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз миқёсида санъат соҳасида ёш истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида аънавий «Ниҳол» кўрик-танлови ўтказиб

нова ва Самарқанд шаҳридан Раъно Авазова, мумтоз қўшиқчилик бўйича Самарқанд туманидан Зулфия Рашидова ва Тайлоқ туманидан Гийёс Облоқулов, созандалик борасида каттакўрғонлик Басилдин Қодиров, операда нурободлик Шоира Турсунова ҳамда рақсда жомбойлик Шахноза Хушвақтова голиб бўлди. Улар танловнинг мамлакат босқичида қатнашади.

## Коллеждаги янги марказ

Нукус Политехника касб-ҳунар коллежи ҳузурда ўрта махсус касб-ҳунар билим юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази иш бошлади.

Бу ерда Оролбўйидаги коллеж ва лицей ўқитувчилари тегишли йўналишлар бўйича ўз билимини ошириш баробарида янги, замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмаларини пухта эгаллайдилар. Марказ устaxonаси металл ишлаш бериш, пайвандлаш ва чилангарлик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

лат органларига кўриб чиқиш ва чоралар кўриш учун юборилди.

Хосботни муҳокама этиш вақтида Кенгаш аъзолари Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фаолиятини яхшилашга доир қатор таклифлар билдирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибидан Қонунчилик палатаси томонидан шу ҳафтада қабул қилинган "Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қимоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар алоҳида ўрин олган. Қонунчилик палатасида ушбу қонунлар лойиҳаларининг барча

сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган мода-мода муҳокамаи чоғида баён қилинган эдики, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясига мувофиқ қонунчилик янада эркинлаштириш, жинсий язалар тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш,

жамиятимизда судлар ролини ошириш учун мустақам ҳуқуқий база яратди.


Депутатлар ўз чиқишларида 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қимоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши мустақил принципга содиқ эканлигининг, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига оғашмай риоя этилишининг яна бир ёқин тасдиғи бўлади, деб таъкидладилар. Депутатларнинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг чинакам тарихий қарорини амалда рўйбга чиқариш жамиятимизда умум қабул қилинган демократик мезонларни мустақамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлади.

(ЎзА).

# Сафарингиз бехатар бўлсин!

2007 йил 15 июндан республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланди

Республика ҳукумати раҳбарлигида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга «Йўл ҳаракати қондалари» талабларини етказиш борасида ҳам самарали фаолият юритилаётир.



## Йўловчи ва транспорт

Аммо шунча сая-ҳаракатлардан кейин ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг сони қамаймаётир. Жумладан, 2007 йилнинг 5 ойи мобайнида республикамиз автомобиль йўлларида 3767 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Оқибатда 717 нафар киши ҳалок бўлган ва 4073 нафари турли даражада жароҳатланган.

Таҳлиллар республикамиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқори даражада қолаётганини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда кескин чора ва тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Худди шу маънода Вазирлик Маҳкамасининг фармойишига асосан, 2007 йилнинг 15 июнидан 15

нинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Албатта, бу каби тадбирлар йил давомида ҳам амалга ошириб борилади.

Таассуфлар бўлсинки, йўлларимизда йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон рўй бермоқда. Унинг олдини олиш учун эса, энг аввало, одамлар онгидан йўл ҳаракати қондаларига ИТХларнинг олдини олиш бўйича аниқланган қондаларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш мазкур ойлик-

содир этилаётган қондаларларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида ДИХХ ҳодимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказилади. Статистик маълумотлар шунини кўрсатадики, аънанга айлиб қолган ушбу ойлик давомида қондаларлик ва ИТХлар сони кескин қамаяди. Шунинг учун ҳам ойлик давомида кенг жамоатчилик эътибори мазкур муаммога қаратилади. Биз йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардик. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиққинизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, ҳамма учун белгиланган йўл ҳаракати қондаларига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кечкиш ёки шовишли ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиш хеч гап эмас. Модомики шундай экан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимлари номидан барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айнакча, болаларни йўл ҳаракати қондаларига қатъий риоя қилишга ҳамда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишга чақирамиз.

Мансур РИХСМБВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХ бош бошқармаси катта инспектори, подполковник.

Абдуғаффорнинг хотини дастурдонга бир товоқ буги чиқиб турган ширмови сомса келтириб қўйди. — Оқ-оқ, бугун бир микириб сомсақўрлик қиларканмиз-да! — деди Абдуғаффор. Кейин сўради: — Гўштими? — Йўқ, — деди хонадон соҳибаси, — картошкали! — Кеча шўрва билан сийлагандингиз. Ундан бурунги кун картошка қовурдоқ. Бугун картошка сомса!.. Ахир, бу дунёда картошқадан бошқа неъматлар

ҳам бор-ку, хоним? — Сиз олдин еб кўринг-чи? Абдуғаффор татиб кўрди. Озроқ майин пилёзу ёққа бўлиниб тайёрланган картошкали сомса чиндан ҳам жуда хушхўр эди. — Қалайкан? — сўради қулимсираб хотини. — Воҳ-воҳ! Жуда боғлабсиз! Раҳмат! — Раҳматингиз ўзингизга буорсин. Ахир ширин картошқани далангизда ўзингиз етиштиргансиз-ку?

дик. Килосини 350 сўмдан сотиб, 8 миллион 750 миң сўм даромад қилди. Бу йил ҳам шу нави парвариллади. Бироқ янаям серҳосил навларга эҳтиёж ортмоқда. — Бизнинг ҳўжалигимиз асосан боғдорчиликка ихтисослашган, — дейди шу тумандаги "Махидов Халил Миҳ" фермер ҳўжалиги раҳбари Илҳомжон Махидов. — Картошқага меҳр-ихлосим

қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Некрўз Ҳақбердиев. — 564 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 246 центнердан ҳосил қўтарилади. Олинган соф фойда 190 миллион сўмдан ошди. Бу борада Самарқанд вилояти бўйича аҳвол қандай? Жорий йилда картошка экилган майдон ўтган йил-

## Оммавий ахборот воситалари ва давр

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан босма нашрларда масъул котибнинг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда юртимиздаги етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, масъул котиблари, олий ўқув юртинларнинг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж.Ҳақимов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ҳуломов ва бошқарма мамлакатимизнинг модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида миллий матбуотимиз муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Бугунги тежвор ахборот мақонида ҳар бир нашр ўз ўрни ва мавқени сақлашга астойдил интилиши табиий. Бунда босма оммавий ахборот воситалари саифафаридаги материалларнинг сифат ва сависии билан бирга дизайн муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мураккаб иш эса газет ва журналларнинг масъул котиблари фаолияти, тажриба ва маҳоратига ҳам боғлиқдир. Семинарда журналистикада масъул котибнинг ўрни, босма нашрларни сақлаш ҳуқуқийлари каби мазмулардаги мармулар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

# КАРТОШКАЛИ СОМСА

сиз уни татиб кўрганмисиз?



ривожлантириш, аҳолининг нон ва гуручдан кейин энг кўп ишлатадигани ана шу неъматга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш борасида амалга оширилаётган катта ишлар самарасидир.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик, Истиклолгача четдан 500 миң тонна (шундан 150 миң тоннаси уруғлик) картошка олиб келинган бўлса, ўтган йили "Ўзкартошка" фирмаси томонидан бор-йўғи 3 миң 300 тонна картошка уруғи келтирилди, холос. Сабаби, эндиликда Абдуғаффорга ўхшаган "картошкахўр" фермерлар, сон-саноксиз шахсий томорқа эгалари — миришкор деҳқонларимиз уни етарли миқдорда етиштиромоқдалар.

Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, бултурнинг ўзида 933 та картошка уруғчилигига ихтисослашган фермер ҳўжалиги 1375 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ва ҳар йилгидан баракали мўл ҳосил кўтаришди.

Бугунги кунда мамлакатимизда картошқачиликни

тимиз картошка ҳосилдорлиги бўйича МДҲ давлатлари орасида олдинги ўринда туради. Гектаридан ўртача 18 тоннадан ҳосил етиштирилмоқда. Айнакча, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илимий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган "Тўйимли", "Ақраб", "Умид" навлари асосий майдонларга жойлаштирилмоқда. Ўтган йили шу институт олимларининг яна бир кашфиёти — "Дибёра" нави ҳам «истикболли» деб топилди, Давлат нав синаш станциясига топширилди. Ҳозирда улар "К-8", "К-3", "К-1" навлари устида ишляпти.

Бепойн далаalarda картошка уруғи экиб, баракча топаётган, ўз меҳнати, пешона тери эвазига мўл ва сифатли ҳосил етиштираётган миришкор фермерлар ҳам оз эмас. — Картошқачилик кони фойда, — дейди Абдуғаффор. — Ўтган йили 3 гектар ерга Голландиянинг "Кондур" навини экиб, гектаридан 25 тоннадан ҳосил ол-

баланд бўлгани учун бултур картошқанинг "Пикассо", "Марфона" навлари уруғини экиб, гектар ҳисобига 270 центнердан ҳосил олдим. Ҳаммасини уруғликка олиб кўйиб, эрта баҳорда 3,5 гектар майдонга қадаим эдим. Ҳосил чўғи 300 центнердан ошиши кутилмоқда.

Картошка етиштиришнинг ҳадисини олган Абдуғаффор ва Илҳомжонга ўхшаган фермерларни Бултур, Тайлоқ ва Ургут туманларида ҳам учратдик. — Ўтган йили картошқачилик бўйича белгиланган шартномавий режалар ортиги билан бажарилди, — дейди Самарқанд тумани

Чиндан ҳам, Самарқандда картошқачиликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Фермер ҳўжаликлари ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, тармоқ ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг бу йилги хатти-ҳаракатлари эса картошка янада сероб бўлишдан далолат бериб турибди. Ҳўш, сизнинг картошкали сомсага тобингиз қалай?

С. РАҲМОНОВ, А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

## О'ЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустақамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» аҳолининг бўш пул маблағларини «С Ю Р П Р И З» ютуқли жамгарма омонатига қабул қилади.

Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами
1.	50	2	26.	25	253	51.	100	502	76.	25	757
2.	50	11	27.	50	265	52.	25	516	77.	25	769
3.	25	25	28.	25	275	53.	200	525	78.	25	773
4.	25	33	29.	25	280	54.	25	535	79.	50	789
5.	25	49	30.	25	292	55.	25	549	80.	25	790
6.	25	50	31.	50	301	56.	25	551	81.	100	805
7.	25	62	32.	25	313	57.	50	568	82.	50	819
8.	25	74	33.	25	327	58.	25	576	83.	25	828
9.	25	80	34.	50	330	59.	25	584	84.	25	831
10.	100	92	35.	25	345	60.	25	598	85.	25	844
11.	25	104	36.	25	352	61.	25	601	86.	100	854
12.	25	110	37.	50	368	62.	25	610	87.	200	869
13.	50	127	38.	25	377	63.	25	628	88.	25	879
14.	100	130	39.	50	385	64.	25	630	89.	25	885
15.	25	143	40.	25	392	65.	25	642	90.	25	894
16.	100	151	41.	100	409	66.	200	657	91.	25	905
17.	50	168	42.	25	412	67.	100	667	92.	100	910
18.	25	170	43.	25	421	68.	25	677	93.	25	920
19.	25	187	44.	50	438	69.	25	683	94.	25	936
20.	50	191	45.	50	442	70.	25	696	95.	25	940
21.	25	201	46.	25	455	71.	50	709	96.	25	955
22.	25	210	47.	25	464	72.	50	715	97.	25	961
23.	25	226	48.	25	475	73.	25	723	98.	200	976
24.	25	232	49.	50	487	74.	25	736	99.	100	981
25.	200	244	50.	50	491	75.	25	742	100.	50	992

«Сюрприз» ютуқли жамгарма омонати шартларини (сақлаш муддатисиз) йиллик 8 фоиз даромад ва қўшимча бир йилда икки мартаба ўтказиладиган ўйин ютуқлари ташкил этади.

2007 йил 11 июнь кунин Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Сюрприз» ютуқли жамгарма омонати бўйича 11-ютуқ тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ИЗОҲ: ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган.

Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиб бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади. Ҳудди биринчи мингталикдагидек. Мисол учун, ВС-2, ВС-1002, ВС-2002, ВС-3002 ва х.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси, «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари

Ш.И. Якубов

Маъсул котиб, Хусусий миқозлар билан иш олиб бориш бўлими бошлиғи

Н.Г.Эргашходжаев

17 июнь – Жаҳонда саҳролашиш ва қургўқчиликка қарши кураш куни

# Юртимиз боғу бўстонга бурканади

Езувчилардан бири "Би-лар неча асрлардан бери ер билан барқарор ва бевосита алоқадор бўлганимиз шарофати ила жон сақлаб қолдик", деган эди. Чиндан ҳам, инсоннинг ерни ардоқлаши туфайли у мўъжизалар кўрсатиб, саховатини аймай келаётир. Бурушқ уруғдан униб чиққан палак тортиқ этган хандаканинг жозибаси, бир кесим картошқадан ҳосил бўлган туганакнинг бутун оила қозонини қайнатishi шундан. Бироқ Халқаро ресурслар институти (WRI)нинг маълумотига қўра, жаҳон бўйича

қариб 2 миллиард гектар ер турли даражада саҳрога айланган. Бу ер юзи қуруқлик қисмининг 15 фоизини ташкил этади. Озиқ-овқат сибасати бўйича халқаро илмий-тадқиқот институти (IFPRI) мутахассисларининг оғохлантиришлари, агар аҳвол шу даражада давом этаверса, яқин

келажақда дунё аҳолиси озиқ-овқат тақчиллигига дуч келиши мумкин. Хозирги кунда Осиё давлатларининг 748 миллион гектар ери ҳам ярқисқиз ҳолга келиб, чўлга айланган. Мамлакатимизда-чи? — Орол денгизи сувининг камайishi Қозғистон, Туркма-

нистон қаторида Ўзбекистонда ҳам саҳролар кўламини кенгайтирди, — дейди «Ергедезкадастр» давлат қўмитасининг бўлим бошлиғи Шўхрат Бобомуродов. — Денгизнинг қуриган тубида пайдо бўлган 4 миллион гектар чўлдан кўтарилаётган туз чанг-тўзонлари экин майдонларининг унумдорлиги-

ни пасайтирмақда. Айниқса, бундай ачинарли ҳолатни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қузатиш мумкин. — Маълумотларга қараганда, республикамизда сўғириландиган экин майдонларининг 60 фоизи турли даражада шўрлан-

ган. 1 миллион гектардан ортиқ майдонда эса гумус ва озуқа унсурлари камайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун нималар қилмоқ керак? — Республикаимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар мавжуд ер ресурсларида оқилона фойдаланиш,

унинг унумдорлигини ошириб, чўланишининг олдини олишга қаратилган. Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида "Ергедезкадастр" давлат қўмитаси томонидан заминимиздаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий оқибатларга барҳам бериш бўйича изчил ишлар олиб бо-

риляпти. Натижада сўнгги 15 йил ичида тупроқ ҳосилларининг кескин ўзгаришига эришилди. Бунда ер ўзининг муносиб эгасини топагани, қишлоқ хўжалиги экинлари агро-техника қондалари асосида парвариш қилинаётгани ҳам муҳим омил бўлаётир. Хусусан, фермерларимизнинг ер унумдорлигини кўтариш бўйича амалга ошираётган тадбирлари унинг ҳолати яхшиланиб, чўлу биебонлар яшилликка, боғу бўстонга бурканишидан далолат бермоқда.

Р. САИДОВ.

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ИЛК БОР ЎТКАЗИЛАДИГАН КОРЕЙС ТИЛИДАН ТЕСТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ

Ўртасида 2007 йилда имзоланган корейс тили бўйича тестни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги битимга мувофиқ Корей Республикасида ишлаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари корейс тили бўйича тестда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги талабнома тақдим этишлари лозим. Тестдан муваффақиятли ўтганларгина эркин ёллаш тизими бўйича ишлаш учун ҳужжат топширишлари мумкин.

Корейс тили бўйича тест синовлари Корей Республикасининг Меҳнат вазири ва Корейнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан Корейнинг эркин ёллаш тизими талаблари асосида ўтказилади.

Корей Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати эркин ёллаш тизими бўйича илк бор корейс тилидан тестни қўйидагига ўтказди:

- Тест ўтказиладиган сана — 2007 йил 29 июль (якшанба) соат 9.30 дан 12.00 гача. Номзодлар тест ўтказиладиган хоналарга соат 9.30 гача етиб келишлари талаб этилади. Номзодга соат 9.30 дан 10.30 гача тест жараёни тўғрисида ахборот берилади. Тест соат 10.30 дан 12.00 гача бўлиб ўтади.
- Тест ўтказиладиган жой — Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарлари.
- Эркин ёллаш тизими бўйича корейс тилидан тест синовида қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қўйидаги талаблар қўйилади:
  - ёши 18 дан 39 ёшгача (1968 йил 30 июлдан кичик ва 1989 йил 29 июлдан катта бўлганлар);
  - жисмонан соғлом;
  - илгари жиноий жавобгарликка тортилмаган;
  - Корей Республикасида депортация қилинмаган ёки мажбурий равишда чиқариб юборилмаган;
  - Ўзбекистон Республикасидан хоригга чиқиши чегараланмаган.
- Рўйхатга олиш жараёни
  - Рўйхатга олиш муддати — 2007 йил 25 июндан (душанба) 27 июнгача (чоршанба) 3 кун.
  - Рўйхатга олиш вақти — соат 9.00 дан 18.00 гача (танаффус вақти — соат 13.00 дан 14.00 гача).
  - Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган турар жойи бўйича ҳамда вилоятларни рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.

Самарқанд шаҳрида		Фарғона шаҳрида		Тошкент шаҳрида	
Вилоятлар	Рўйхатга олиш кун	Вилоятлар	Рўйхатга олиш кун	Вилоятлар	Рўйхатга олиш кун
Самарқанд	25.06.2007 й.	Фарғона	25.06.2007 й.	Тошкент шаҳри	25.06.2007 й.
Бухоро	25.06.2007 й.			Тошкент	25.06.2007 й.
Навоий	26.06.2007 й.	Андижон	26.06.2007 й.	Сирдарё	26.06.2007 й.
Қашқадарё	26.06.2007 й.			Жиззах	27.06.2007 й.
Сурхондарё	26.06.2007 й.	Наманган	27.06.2007 й.		
Хоразм	27.06.2007 й.				
Қорақалпоғистон Республикаси	27.06.2007 й.				

**Изоҳ:** виллоятлар бўйича номзодлар сони белгиланган кун тақсирот бўйича тўлмаган тақдирда фуқаролар рўйхатга олиш муддати давомида мурожаат этишлари мумкин.

**Рўйхатга олиш жойлари:**  
Тошкент шаҳрида: «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик темир йўл компаниясининг Тошкент минтақавий темир йўл узели кассаси биноси.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-уй (Мўлжал — метронинг «Тошкент» бекати).  
Самарқанд шаҳрида: Самарқанд шаҳри, Бандликка кўмаклашиш маркази биноси.  
Манзил: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй.  
Фарғона шаҳрида: «Ҳаво Сайёҳ» авиакасса биноси.  
Манзил: Фарғона шаҳри, Қосимов кўчаси, 43-уй.  
**Рўйхатга олиш тартиби**  
Фуқаролар рўйхатга олиш жойларига шахсан келишлари лозим.  
Тестда иштирок этиш учун номзодлар сони қўйидагига белгиланади: республика бўйича жами 6000 нафар номзод рўйхатга олинади.

**Шу жумладан ҳудудлар бўйича тақсирот:**

- Самарқанд ҳудуди (Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) бўйича 2800 нафар номзод;
- Фарғона ҳудуди (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари) бўйича 1700 нафар номзод;
- Тошкент ҳудуди (Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари) бўйича 1500 нафар номзод.

• Тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тўлдирилган махсус талабнома шакли;
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси;
- 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги бир донга рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган);
- тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият;
- тўловни амалга оширганлиги ҳақида банк қитанцияси.

• Тест учун тўланадиган тўлов:  
30 АҚШ доллари миқдоридagi тўловнинг миллий валюта — сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга оширилмайдиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича).  
Тестда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига кўрсатилган тўлов пулини рўйхатга олиш жойида тўлашлари лозим.  
Номзод тестда қатнашишни рад этса, тўлаган маблағини рўйхатга олиш муддати давомида қайтариб олиши мумкин.  
Тест учун тўланган тўлов маблағи ўтказилган тест натижасидан қатъий назар фуқарога қайтариб берилмайди.

Тест қисмлари	Саволлар сони	Умумий балл	Ажратилган вақт
Тинглаш қисми	25	100	40 дақиқа
Ўқиш қисми	25	100	50 дақиқа
Жами	50	200	90 дақиқа

Тинглаш ва ўқиш топшириқлари ўртасида танаффус берилмайди.  
Номзодлар тестдан муваффақиятли ўтишлари учун тестнинг бир қисминдан камиди 40 балл тўплашлари ва умумий тўплаган балл камиди 120 балл бўлиши талаб этилади. Агар номзод тест қисмларининг бирдан 40 баллдан кам тўпласа, тестдан ўтмаган ҳисобланади.

• Тест ўтказиладиган кун номзодлар қўйидагиларга эга бўлишлари лозим:  
- тестга кириш учун рухсатнома (рухсатнома рўйхатга олинган номзодларга берилади);  
- фуқаролик паспорти (номзод фуқаролик паспортига тест топширишига киритилмайди).

• Тест натижаларини эълон қилиш  
Сана — 2007 йил 7 август (сешанба).  
**Эълон қилиш тартиби:**  
- Корей Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати веб сайти [www.hrdkorea.or.kr](http://www.hrdkorea.or.kr)  
- Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг эълонлар тахтаси;  
- виллоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг эълонлар тахтаси.

• Бошқа маълумотлар  
Тест натижалари ҳар бир номзодга тест топширган кундан кейин 3 ҳафта ичида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан эълон қилинади.  
Номзодлар тестга уяли телефон, электрон лугат, МПЗ мослама ва бошқа рухсат этилмаган воситаларни олиб киришлари ман этилади.  
Тестда бировдан кўчириб ўтирган номзод аниқланса, у тестдан чиқариб юборилади ва 2 йил давомида қайта тестда қатнашиш учун ҳужжатлари қабул қилинмайди.  
Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, тугилган санаси) паспортдаги маълумотлар билан мос келиши лозим. Ақс ҳолда тестдан ўтган тақдирда ҳам Корейга кириш рухсат этилмайди.

- Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши уни Корей Республикасига ишга юборилишини кафолатламайди.
- Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши эркин ёллаш тизими бўйича рўйхатга олиш шартларидан бирини бажарган ҳисобланади.
- Агар номзод тиббий кўрикда носоғлом деб топилса ёки у Корейда ноқонуний бўлганлиги маълум бўлса, у ҳолда номзод Корей Республикасига ишга қабул қилинмайди.

**Назорат қилиш:**  
- Корей Республикаси Меҳнат вазирилик;  
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик.  
**Ташкиллаштириш** — Корейнинг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати.  
**Ҳамкорлик қилиш** — Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги.  
**Эслатма:** ҳусусий фирмалар ва ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корей Республикасида ишга жойлаштириш жараёнига аралаштиришлари тақиқланади. Мазкур ҳолат аниқланган тақдирда бу ташиқлотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чоралар қўрилади.

**Қўшимча маълумотлар учун:**  
○ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликнинг ишонч телефонлари: 139-88-27, 139-41-12.  
○ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ишонч телефонлари: 132-27-88, 152-75-23.

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига таклиф этади. Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидагилар қўйилмоқда:

1. Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан очик аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:  
1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2005 йил 9 августдаги 18404-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги 11718-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, МХХ қонунда тартибда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10R1896 бўлган, «Mercedes-Bens S600» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 72 000 000 сўм.  
2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 7 февралдаги 1-632-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Себазо» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 10V2288 бўлган, «Mercedes-Bens S320» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 58 708 800 сўм.  
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 3, 10, 17, 24 ва 31 июль кунлари соат 11.00 да ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.  
Юқоридаги автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
3. Тошкент вилояти Янгийўл тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 21 февралдаги 11-0605/8956 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, У.Мусаев ҚФЙ ҳудудида жойлашган «ASIAN BRIKS» МЧЖга тегишли, таъмирталаб бўлган гишт ишлаб чиқариш кичик заводи, «Т-130» русумли, давлат рақами EK 0740 бўлган, техник соз бульдозер ва темир-терсақ (металлолом).  
Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.  
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 10, 17, 24, 31 июль ва 7 август кунлари соат 11.00 да ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.
4. Тошкент вилояти Оқўрғон тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 2 ноябрдаги 11-0615-9417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Акмал» ХФ га тегишли, Тошкент вилояти, Оқўрғон тумани, «Озод» ш/х, «Бешовул» участкасида жойлашган, майдони 9594 кв.м. бўлган тегирмон биноси ва иншоотлар.  
Бошланғич баҳоси — 114 642 000 сўм.
5. Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2005 йил 3 октябрдаги 11-0519/5216-сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Чотқол» ҚКга тегишли, Ангрэн шаҳар, Гулбоғ қишлоғида жойлашган, фойдали майдони 3469,77 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси.  
Бошланғич баҳоси — 46 897 000 сўм.  
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14 август кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.  
Юқоридаги кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдоларига қўйилмоқда.  
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

## II. РКМБ Хоразм вилояти филиали томонидан автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 4 мартдаги 37-сонли ва 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Хоразмавтойўл» МИХПТФга қарашли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 22АЕ066 бўлган, «ХУУДАЕГРАДЕУ-ХГ» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 45 029 600 сўм.
2. Хоразм вилояти Урганч шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 июлдаги 22-06-06-2861-сонли ва 2006 йил 4 августдаги 22-06-04-2969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли, Урганч шаҳри, «Ашхобод» кўчаси, 200-уйда жойлашган 3 қаватли маъмурий бино.  
Бошланғич баҳоси — 108 993 432 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 28 июнь ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26, 31 июль кунлари соат 11.00 да ушбу автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.  
Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Ушбу автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк объекти бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 13 июндаги 47-сонда хабарнома чоп этилган.  
Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонова кўчаси, 23-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.  
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик филиалидаги МФО 00580, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.


**III. РКМБ Қашқадарё вилояти филиали томонидан кўчмас мулк объекти аукцион савдоларига қўйилмоқда:**  
Қашқадарё вилояти Қамаш тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 мартдаги 10-0418/3678-сонли ажримига асосан хатланган, Қамаш тумани «Керамик» ОАЖга тегишли бўлган, 1991 йилда фойдаланишга топширилган, майдони 145,92 кв.м. бўлган, бир қаватли, пойдевори бетондан, деворлари пишиқ гишдан кўтарилган, томи шифер билан қопланган маъмурий бино ҳамда 1993 йилда фойдаланишга топширилган, майдони 7220 кв.м. бўлган, пойдевори бетондан, деворлари панель блок ва пишиқ гишдан кўтарилган ишлаб чиқариш цехидан иборат кўчмас мулклар мажмуаси.  
Бошланғич баҳоси — 2 746 041 000 сўм.  
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 26 июнь ва 12, 27 июль кунлари соат 10.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.  
Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича «Қашқадарё» газетасининг 2007 йил 8 июндаги 045 (14073)-сонда хабарнома чоп этилган.  
Аукцион савдолари Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уйда жойлашган вилоят давлат мулки бошқармасининг савдолар залида ўтказилади.  
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг «Асака» банки Қарши шаҳар филиалидаги МФО 00194, ИНН 200933850, 20210000200571452006 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзиллар:**  
\* Республика Кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.  
\* РКМБ Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонова кўчаси, 23-уй. Мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими. Телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.  
\* РКМБ Қашқадарё вилояти филиали, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.

Интернетдаги сайтимиз: [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) Лицензия: DB 001 №000004

## Зиёрат ва таассурот

Тошкент вилояти «Нуроний» жамғармаси, унинг жойлардаги бўлим ва бошланғич ташиқлотлари шу кунларда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.  
Айниқса, хурматга сазовор кексаларни жамлаб, вақти-вақти билан қадимий шаҳарларимизга саёҳатлар уюштирмоқдалар. Масалан, бундан бир неча кун бурун бўстонликлик ўнлаб фахрийлар Самарқандга бориб, Имом ал-Бухорий, Хожа Аҳрор Валий қадамжоларини, Улуғбек расадхонаси, Шохи зинда, Регистон, Бибиноним тарихий обидаларини зиёрат қилишганди.  
Яқинда эса бекободлик элликдан ортиқ меҳнат фахрийлари Бухоро ва Хива шаҳарларида тўрт кун меҳмон бўлишди.  
Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Ўзбекидрознергоқурилиш» ОАЖ жамоаси корхона фахрийси  
**Ғайбулла Мардонovich ҚОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига, таъзия изҳор этади.  
Тошкент давлат ўрмон хўжалиги жамоаси хўжаликнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Дилмурод Мирсодиқовга онаси **УКТАМОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.  
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят сули жамоаси жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг раиси Ойбек Исмоилова падари бузруквори **ИЗОМ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

